
ВИЛОЯТИМИЗДА АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИННИНГ 583 ЙИЛЛИГИ КҮТАРИНКИЛИК БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллигига бағишиланган байрам тадбирлари вилоятимизда ҳам күтаринкилик билан нишонланмоқда.

Бугун эрта тонгдан Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринbosарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, адабиётшунос олимлар, зиёлилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари Файзулло Қосимов тадбирда сўз олиб, йиғилганларни ҳазрат Навоий таваллуди байрами билан қутлади, бобокалонимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳётига, унинг асарларидағи маънавий-тарбиявий жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Миролимбек Ҳамидов Навоийнинг асарларидағи барча даврларга хос маънавий қудрат билан боғлиқ хусусиятлар ҳақида таҳлилий сўз юритди.

Тадбир давомида Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан Алишер Навоий ғазалларидан намуналар, шеърлар ўқилди. Саҳна кўринишлари, куй-кўшиқлар ижро этилди.

Шоирга эҳтиром тадбири сўнггида йиғилганлар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-09 11:19:01